

УДК 371.3:894.375

БАДИЙ АСАР ТАҲЛИЛИГА ХОЛИС ВА ҲАЛОЛ ЁНДАШУВ

М.Р. Маматқулов, О.Х. Файзуллаева

Гулистон давлат университети

E-mail: fayzullayeva2016@yandex.ru

Бадий асар ҳамма вақт ижодкорнинг объектив воқеликка бўлган субъектив-эстетик муносабатидан туғилади. Ўша муносабат бирор кўринишда ўз ифодасини топади. Тасвирий образлилик ва характерлар талқини орқали ўша кўринишлар инъикос этилади (Қаххор, 1968).

Адабиётшунос олим Умурзоқ Ўлжабоевнинг “Адабиёт – кўнгил кўзгуси” номли монографияси 2017 йил “Tugon zamin ziyo” нашриёти томонидан нашр этилганлиги, миллий насримиз, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши мавзуси ақс эттирилган бадий асарлар тадқиқи юзасидан яна бир эътиборга молик монографик тадқиқот яратилганлигини кўрсатди. Унда ўзбек насрининг хикоя, қисса ва роман

жанрларидаги асарларида уруш даври муҳити тасвирида инсон руҳияти талқини алоҳида аҳамиятга молик эканлигига алоҳида тўхтанган. Ушбу тасвирлар ифодасида маҳорат масаласи ижодкорлар яшаган давр ва улар акс эттираётган муҳитдан келиб чиққан ҳолда алоҳида шаклда тадқиқ этилиб, бир умумий картинага жойлаштирилганлиги ушбу тадқиқотнинг эътиборга молик жиҳатларидандир. Шунингдек, тадқиқотда хотира-эссе жанрининг ўзига хос намунаси ҳам мавжуд. Ушбу китоб адабиётшуносликда ҳолислик ва ҳалоллик муҳим жиҳат эканлигини уқтириши билан долзарб эканлигини далолатлайди (Ўлжабоев, 2017).

Ушбу мақола адабиётшунос олим Умурзоқ Ўлжабоевнинг “Адабиёт – кўнгил кўзгуси” номли китобида бадиий асар таҳлилига ҳолис ва ҳалол ёндашув қай даражада муҳим эканлигини кўрсатишни мақсад қилганлиги билан аҳамиятли. Уни бажаришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади: китобдаги “Истеъдодпарвар адиб” мақоласида А.Қаҳҳор сиймоси қайси жиҳатларига кўра талқин этилганлигини ўрганиш; Иккинчи жаҳон уруши мавзуси акс эттирилган асарлар бадиияти ва ёзувчи маҳорати масаласини ўрганиш жиҳатларига эътибор қаратиш; хотира-эссе жанри намунасининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш кабилардан иборат.

Тадқиқотнинг объекти ва қўлланилган методлар:

Асосан, объект сифатида Умурзоқ Ўлжабоевнинг “Адабиёт – кўнгил кўзгуси” номли китобидаги мақолалардан ва қатор назарий манбалардан фойдаланилди. Тадқиқотда асосан матн таҳлили ва қийсий-типологик, методдан фойдаланилди. Ушбу мақола миллий насримиз тадқиқи юзасидан қилинган фундаментал тадқиқотлардан бирини ўрганганлиги билан аҳамиятлидир. Мақола миллий адабиётимизнинг проза (наср) соҳаси тадқиқига бағишланган рефератлар, курс ишлари, битирув малакавий ишлар ва ёзувчи ижодиёти билан боғлиқ маълумотлар учун асос вазифасини ўташи мумкин.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Бадиий адабиёт олами кўнгилнинг кўзгуси вазифасини ўташи, яъни бадиий асар ижодкорнинг кўнгил олами акси сифатида дунёга келиши, агар у камчиликлардан холи бўлмаса, ана шу кўзгудаги акс қийшиқ кўриниши ёки у дарз кетиши мумкин эканлиги таниқли адабиётшунос олим Умурзоқ Ўлжабоевнинг навбатдаги “Адабиёт – кўнгил кўзгуси” (2017) китоби сарлавҳасидаёқ образли тарзда ўз ифодасини топган.

Китоб уч асосий бобдан иборат бўлиб, унинг биринчи боби “Мутолаа ва таассурот” деб номланади. 1-боб “Истеъдодпарвар адиб” номли мақола билан бошланади. У улуг ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг ёш истеъдодларга бўлган шогирдпарварлик фазилатлари, уларни қўллаб-қувватлаш йўлидаги қилган амалларига бағишланган. А.Қаҳҳорнинг «Бадиий очерк тўғрисида», «Ҳаёт кўниги», «Талант – халқ мулки» каби мақолалари тилга олинар экан, буюк адибнинг ўша даврларда ёш ижодкорлар саналган Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, Э.Воҳидов, Ў.Умарбеков, А.Орипов, Ҳ.Шарипов, У.Назаров, О.Ҳожиева кабиларнинг ижод намуналарига бўлган самимий муносабати ёшларнинг адабиёт оламида ўз ўринларини топишларида муҳим рол ўйнаганлиги асосли далиллар орқали кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Абдулла Қаҳҳорнинг Саид Аҳмад ва Умарали Норматовларнинг бадиий ижод ва адабиётшунослик соҳаларидаги илк кадамларини тўғри баҳолаб, уларга тўғри йўл кўрсатиш орқали маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганликлари хусусидаги қарашлар ҳам кишида қизиқиш уйғотади. Муаллиф томонидан қайд этилганидек, “истеъдодли ёшлар учун, у адабиётнинг қайси йўналиши бўйича ижод қилишидан қатъий назар, устоз ёзувчининг бағридан, эътибор майдонидан ҳамиша жой топилган”. Бу эса - муҳим инсоний фазилатлардан бири сифатида доимо улуғликка лойиқ эканлиги мақоланинг моҳиятини қамраб олган дейиш мумкин (Ўлжабоев, 2017).

Умурзоқ Ўлжабоев ўзбек насрига хос хусусиятларни жиддий кузатиб борадиган, унинг ютуқ ва камчиликлари борасида ўз қарашларига эга олимлардан бири саналади. Унинг ўзбек адабиётида хикоя, қисса ва роман жанри тараккиёти хусусидаги қарашлари адабиётшунослик илмида муносиб ўринга эга. Дастлабки бобнинг бир қатор мақолаларида хикоя, қисса ва роман жанрига хос хусусиятлар билан биргаликда ёзувчининг шу жанрлардаги маҳорати масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, “Изланиш сабоқлари” мақоласида Ў.Ҳошимовнинг “Нур борки соя бор”, Ш.Холмирзаевнинг «Сўнгги бекат», Э.Усмоновнинг “Меҳригиё” номли романлари ҳақида гап боради. Мақоладаги “романчилик ўз табиатига кўра ҳаётнинг кенг, эпик манзарасини бериши, одамларнинг турмуш тарзини, улар ўртасидаги муносабатларни даврнинг муайян муаммолари нуқтаи назаридан изчил ёритиши, характерларнинг ўзига яраша тарихий тақдирини яратиши лозим”, деган жанр спецификасига оид қарашлар объект бўлган романлар тадқиқи учун асос вазифасини ўтаган (Ўлжабоев, 2017).

“Янги дунё курашчилари” мақоласида эса Муҳаммад Алининг “Бокий дунё” шеърий романи юзасидан фикрлар билдирилган. Асар қаҳрамонлари бўлган Азимбой, Абдулла Авлоний, Насриддин, Қудрат, Фарҳодларнинг тақдири бой ва ранг-баранглиги, драматик лаҳзаларга сероблиги билан диққатни ўзига тортди туриши, бу эса шеърий романнинг ўзига хос имкониятларидан мумкин қадар самарали фойдаланишга ҳаракат қилинганлиги ва кўп ҳолларда шунга эришилганлиги таъкидланади (Ўлжабоев, 2017).

Умурзоқ Ўлжабоев узоқ йиллардан бери уруш даври ўзбек прозаси муаммолари билан ҳам шуғулланиб келади. Уруш мавзусидаги асарлар одатда икки хил шароитдаги тасвир натижасида юзага келади. Биринчи ҳолатда бевосита жанг майдонларидаги манзаралар билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар акс эттирилса, иккинчисида эса фронт ортидаги меҳнат жараёни тасвирланади. Олим урушга нисбатан оддий ёки табиий ҳодиса сифатида эмас, балки даҳшатли бир фожиа, унинг инсон учун нақадар оғир қисмат эканлиги нуқтаи назаридан ёндашади. Унинг учун уруш тасвиридан ҳам кўра кўпроқ унда қатнашаётган одамларнинг тақдири, ўй-хаёллари ёки уруш ортидаги кишиларнинг изгироб ва кечинмалари тасвири муҳим ўрин тутди ва асарга ёндашилганда ҳам олим учун шу мезонлар дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Адабиётшунос олимнинг “Умидбахш тўлқинлар” мақоласида Нурали Қобулнинг “Бугдой пишиғига етмаганлар”, Назар Эшонқуловнинг “Уруш одамлари” каби Иккинчи жаҳон уруши мавзуси акс этган қиссалари хусусида сўз боради. Бу қиссалардаги уруш туфайли фронт ичкарасидаги ҳаётнинг ҳам издан чиқаётганлиги, у инсонларнинг фожией тақдирида ўз аксини топаётганлиги таҳлилга тортилган асарлар орқали кўрсатилган. Айниқса, Н.Эшонқуловнинг “Уруш одамлари” қиссасидаги Нормат полков, Анзират, Мирзақул каби характерларнинг руҳий қоллизиялар ва кескин драматизм орқали ифодалангани асарнинг ютуқларидан бири сифатида муаллиф томонидан эътироф этилган.

Умурзоқ Ўлжабоев бадиий асар таҳлилига ҳолис ва ҳалол ёндашадиган олимлардан биридир. У бирор бир бадиий асарни ўрганишга киришар экан, унинг фақат ютуқларини кўрсатиш билангина чегараланиб қолмайди. Асардаги нуқсон ва камчиликлар ҳам домланинг доимий эътиборида бўлади. Фикримизни устознинг ёзувчи Солим Исҳоқовнинг “Янга” қиссаси таҳлили билан боғлиқ жараёнга қаратсак: “Энди ҳикоя тилидан олиб бориловчи қаҳрамон ҳақида икки оғиз сўз. Аввало шуни айтиш керакки, бу усул адабиётда анча кенг тарқалган усул. Қолаверса, унинг ўзига хос мураккаб томонлари бор эканлигини ҳисобга олмасдан бўлмайди. Ёзувчи бунда меъёрий, чегарани унутмаслиги, ёш боланинг тасаввури, фикрлари даражасини сунъий равишда ошириб юбормаслиги лозим. “Янга” қиссасида шу масалага талай ўринларда яхши эътибор берилмаганга ўхшайди. Масалан, бир жойда ҳикоячи ўзининг узоқ ўтмиши ҳақида гапираётгандек бўлади. Табиийки, бунда бола – ўсмир нигоҳи йўқолади, унинг ўрнини катта одамнинг таассуротлари эгаллайди. Бошқа ўринда эса гўдак айнан ўша кунлардан туриб ҳикоя қила бошлайди. Бу саҳифаларда тасвирда шунга мос соддалашиш сезилади. Ҳар ҳолда ёзувчи бадиий асарда муайян тасвир принципини белгилаб олиши, бутун асар давомида шуни сақлашга амал қилиши маъқулроқ бўлса керак деб ўйлаймиз. Қолаверса, мазкур асарда ёзувчи мана шу образга хос жиҳатларни чуқурроқ очса яхши бўларди. У уруш бошланган пайтларда ўн ёш атрофида бўлади. Бу ёш, қисса қаҳрамонларидан бирининг тили билан айтганда, жудаям кичик ёш эмас. Бундан ташқари шароитга қараб ундаги тушунчалар ҳам ўзгариб бориши керак-ку! Нимагадир мана шу ўзгаришлар асарда унчалик сезилмайди”.

Бадиий асарга алоқадор бу каби мулоҳазаларни устознинг “Тажриба ва натижа” номли мақоласида ҳам кузатиш мумкин. Мақола А.Эшонқуловнинг «Улар ўн бир киши эди» қиссасининг вариантлари тадқиқига бағишланган бўлиб, унда ёзувчининг бир асарнинг уч варианты нусхаларидаги ижодий тажрибалари китобдан китобга ўтган сари бадиийликдан узоқлаша борганлиги, ҳар вариантда тўғри келган-келмаган тафсилотлар тобора кўпроқ тикиштираверирилиши оқибатида қиссадаги асосий воқеа – бош сюжет чизиги хиралашиб кетганлиги, натижада композицион тарқоклик вужудга келтирилиб, асар бадииятига салбий таъсир кўрсатганлиги кабилар киёсий мисоллар ёрдамида асосланган.

Китобнинг иккинчи боби “Жўнатилмаган хатлар” деб номланиши бежизга эмас, албатта. Чунки унга киритилган учта мактуб-мақола 1988 ва 1989 йилларда ёзилган бўлиб, бадиий асарлар ҳақидаги кузатишларни ўз ичига олади. Ўз вақтида эгаларига жўнатилмай қолган мактубларнинг биринчиси “Муҳим маънавий мезон” бўлиб, у ёзувчи Нурали Қобулнинг “Яшаш учун кечикма” асари юзасидан билдирилган мулоҳазалардан иборат бўлса, иккинчи хат - “Келажакнинг умидли йўли” Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Оқ либос”, “Қодир бобо”, “Саф” каби ҳикоялари таҳлилига бағишланган.

“Кечиккан бахт” номли сўнгги хат эса Дилбар Саидованинг “Дераза ортидаги оппоқ дунё” қиссаси тўғрисидаги адабий-танқидий қарашлардан иборат эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

У.Ўлжабоев сўнгги йилларда хотира-эсселар яратиш борасида ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда. Хотира-эсселарнинг қаҳрамонлари давримизнинг машҳур ёзувчи, шоир, олим ва, умуман, муаллиф яхши билган, қолаверса, ўз вақтида борди-келди қилган, лекин бугунги кунда оламдан ўтган кишилардир. Айнан китобнинг сўнгги “Хотира” деб номланган бобида ҳам бу анъана давом эттирилган ҳолда қўлга қалам олинганлиги кузатилади. Муаллиф хотира-эсселарида қаҳрамон тўғрисида оддий бир маълумотлар беришни мақсад қилиб қўймайди, балки унинг ҳаёти билан боғлиқ гоҳ қувончли, гоҳ ибратли, гоҳ эса ҳазин воқеаларни таъсирли услубларда берадики, бу – уларни ўқиган китобхонни ўзига хос бир оламга олиб киради ва қувончларига шерик, ғам-қайғуларига эса ҳамдард бўлиш ҳиссини туғдиради: “Ҳаётнинг завқу шавққа тўла онлари ҳам, изтиробли, одамни эзиб юборадиган кунлари ҳам ҳамиша ёнма-ён бўларкан. Завқли онларда кишидаги кайфият қанчалик кўтаринки, парвозбоп бўлса, изтиробли ҳолатларда унинг бутун вужудини эзгин бир руҳий ҳолат эгаллаб оларкан. Ҳозир менинг елкамдан ана шундай оғир бир юк босиб, эзиб тургандек. Чунки яна бир эл танийдиган, одамларга, айниқса, талаба ёшларга бутун умри давомида маънавият ва маърифатни тарғиб қилиб келган файласуф олим, кадрдон дўстимиз Убайдулла Розиккуловни тупроққа қўйиб келдик. Дунёда дўстингнинг, кўнгил яқин инсонларингнинг жасадини тупроққа топширишдек азобли дақиқалар бўлмаса керак”. Мазкур парча китобдаги “Кўнгилдаги бўшлиқ” мақоласидан олинган. Унда таниқли файласуф олим Убайдулла Розиккуловнинг порлоқ хотираси ҳаётини воқеалар орқали ёдга олинади. Муаллиф қалбидаги дўсти вафоти туфайли ўртаётган изтиробли ўйлар китобхонни ҳақиқий дўстлик, дўстлар қадри борасидаги фикрларини тиниклаштиради, уларни янада мулоҳазага чорлайди (Ўлжабоев, 2016).

Хулоса

Умуман, китоб турли йилларда яратилган, асосан уруш мавзусидаги асарларнинг бадиий хусусиятлари тадқиқи, уларга бўлган муносабат акс этган мақолаларни ўз ичига олганлиги билан ажралиб туради. Китоб тили раво ва ширали бўлганлигидан, фикрлар ифодасидаги асослилик ва ўзига хос ривожланиш усули натижасида у бадиий асардай кизиқиш билан ўқилади. Мақолалардаги атрофлича қилинган таҳлиллар ва асарлар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар адабиётшунослик соҳаси вакиллари ва кенг китобхонлар оммасини кизиқтирмай қолмайди. Устозимизни яна бир муваффақиятли ва фойдали адабиёт яратилганлиги билан кутлаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

- А.Қаххор. Ёшлар билан суҳбат. - Т.: Ёш гвардия, 1968. – Б. 21.
У.Ўлжабоев. Хотирага кўчган умрлар. - Т.: Turon zamin ziyo, 2016. -216 б.
У.Ўлжабоев. Адабиёт – кўнгил кўзгуси. - Т.: Turon zamin ziyo, 2017. -218 б.

Аннотация

БАДИЙ АСАР ТАҲЛИЛИГА ХОЛИС ВА ҲАЛОЛ ЁНДАШУВ

М.Р. Маматкулов, О.Х.Файзуллаева

Ушбу мақолада адабиётшунос олим Умурзоқ Ўлжабоевнинг янги “Адабиёт – кўнгил кўзгуси” китоби ўрганилган. Унда муаллифнинг бадиий асарга холис ва ҳалол ёндашуви туфайли муҳим ва асосли тадқиқлар юзага келганлиги, аксарият уруш мавзусидаги асарлар бадииятида инсон руҳияти тасвирининг муҳим эканлиги таҳлиллардан келиб чиқадиган хулоса эканлиги аёнлаштирилган.

Таянч сўзлар: бадиий асар, кўнгил олами, драматик тасвир, руҳият тавсифи, характер, ҳаётчилик, тадқиқ ва талқин.

Аннотация

БЕСПРИСТРАСТНЫЙ И ЧЕСТНЫЙ ПОДХОД К АНАЛИЗУ ПРОИЗВЕДЕНИЙ ИСКУССТВА

М.Р.Маматкулов, О.Х.Файзуллаева

В этой статье изучена новая книга ученого литературоведа Умурзака Улжабаева “Литература – зеркало души”. Художественное произведение автора является важным из-за искреннего и честного подхода, анализы пришли к выводу что конкретизированы большинство работ на тему войны художественные аспекты человеческой психологии, подчеркнуть важность человеческого духа и они имеют важное значение для изображения.

Ключевые слова: литературное произведение, мир души, драматическое изображение, описание духа, характера, жизнь, анализ и интерпретация.